

Болаларнинг қувонч ошёни



Эътибор

Қуйи Чирчиқ туманининг "Тала ботир" маҳалласида фаолият юритаётган "Ажойиб кичкинтойлар" оилавий боғчасига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Боғчада рус ва инглиз тиллари ўргатилади, болалар гимнастика билан шуғулланишади.

Муассаса раҳбари Хуршида Эргашева аввал шу соҳада ишлаган. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ҳокимлик томонидан ўзи яшаётган ҳудудда боғча очиш таклифи билдирилди.

— Бу таклифни жон деб қабул қилдим, — дейди Хуршида опа. — Боғчамиз 50 ўринли. Аввалига 10 нафар бола билан иш бошлаганмиз. Кейинчалик ота-оналарнинг ишончи ортиб, болалар сони кўпайди. Ҳатто, яна бир филиал очишга тўғри келди. Иккинчи боғча учун 32 миллион сўм кредит олганмиз. Чунки мебелларга маблағ етмаган. У ерда ҳам 30 нафар тарбияланувчи бор. Иккала боғчада 13 нафар ходим ишлайди.



2

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

БИР НУРОНИЙ — ҲАЁТДА ВА ЖАМИЯТДА ҲАҚИҚАТИ

Ёши улуг инсонларни, нуруний отахон ва онахонларни қадрлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, нурунийларни рағбатлантириш мақсадида "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилиб, маҳаллаларда катта обрў-эътиборга эга бўлган, ўзларининг бой тажриба, билим ва кўникмаларини ишга солиб, маҳалла ва оилаларда тинчлик-тотувлик муҳитини асрашга, ёшларга тўғри йўл кўрсатиб,

ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топишига жонқуярлик билан кўмаклашиб келаётган пири давлат отахон ва онахонлар, фахрийларга топширилмоқда. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда кексаларнинг ҳурмати жойига қўйиб, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун барча шароитларни яратиш, нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бой ҳаётий тажриба, билим ва фарзандларимиз тарбиясида фойдаланиш борасида яхлит ҳаётий тизим яратилди.

2

Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилоятининг барча ҳудудларидаги эҳтиёжманд оилалар хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш учун 4,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бунда 22 та туман ва шаҳардаги жами 330 та хонадон қуввати 30 кВт бўлган қуёш панеллари билан таъминланмоқда.

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокими И. Қосимов "Фаровон" маҳалласидаги "S-family textile" корхонасида бўлиб, ишчи хотин-қизларга яратиб берилган шароитларни кўздан кечирди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун ажратилган кўп қаватли уйда яшовчи фуқаролар билан мулоқот қилди.

ТОШКЕНТ туманида "Касблар танлови — 2024"нинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда йигит-қизлар "Ёш қурувчи", "Пайвандлаш устаси", "Электр монтаж устаси", "Новвойчилик" ва "Дизайнерлик" йўналишларига оид саволларга жавоб бериб, билимларини синовдан ўтказишди.

ЧИРЧИҚ шаҳрининг Ҳамза номли маҳалласи ҳудудидаги савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларидаги ҳолат шаҳар ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси ва бошқа масъуллар томонидан ўрганилди. Ноконуний реклама эълонларини бартараф этиш чоралари кўрилиб, зарур тавсиялар берилди.

ПИСКЕНТ тумани ҳокими М. Арипов хитойлик инвесторлар билан учрашди. Мулоқотда туманининг "Гулистон" маҳалласида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан таклиф ва фикрлар тингланди.

ЧИНОЗ туманининг "Ёввош" маҳалласида аҳолининг даромадини ошириш мақсадида эҳтиёжманд, тоғиронлиги бор оилалар ва ишсиз ёшларга товуқ тарқатилди. Шу билан маҳалладаги 100 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига эришилди.

Ватан тараннуми — ЭНГ УЛУҒ МАВЗУ

Нурафшон шаҳрида мамлакатимиз Мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган "Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!" деган эзгу гоғни ўзида мужассам этган "Энг улуг, энг азиз!" анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов



Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Раҳматилла Шералиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва ОАВ ходимлари иштирок эттишди.

— Бу йилги танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳар йилгидан ўзгача руҳда ўтказилди, — дейди ташкилий кўмита аъзоси А. Абдуқодиров. — Буни танловга келиб тушган материаллар сонининг ортганида ҳам кўришимиз мумкин. Етмишдан ортқ ижодкор турли йўналишларда 350 га яқин ижод намуналари билан қатнашишди. Бу ҳакамлар ҳайъати ҳам катта масъулият юклатди. Улар орасидан ғолибликка номзодларни танлаб олиш осон бўлмади. Маросимда сўзга чиққанлар юр-

тимизда олиб борилаётган ислохотлар ва уларни кенг оммага тезкор ва ҳолис етказишда ижодкорларнинг ўрни ҳақида гапиришди. Шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот ва сўз эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш борасидаги янгиланишлар тўғрисида фикр билдирдилар.

Шундан сўнг ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўзбек матбуоти том маънода туртинчи ҳокимият даражасига кўтарилди, — дейди "Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари" йўналиши ғолиби, "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим мудири Тўхтамурод Ҳасанбоев. — Соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар, оммавий ахборот воситаларига берилаётган эътибор туфайли журналистика қаддини кўтарди, журналистлар дадил ва журъат билан ёза бошлади.

Юртимизда рўй бераётган воқеа-ҳодиса, ўзгариш ва янгиланишлар, энг муҳими, ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳақида таҳлилий-танқидий мақолалар кўпайди. ОАВ ўзининг энг муҳим — давлат ва халқ ўртасида кўпник вази-фасини бажараётгани туфайли, уларга бўлган ишонч мустаҳкамланиб борапти.

Бир сўз билан айтганда, соҳага қаратилаётган эътибор мамлакатимизда ижодкор зиёлиларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шароит ва имконият яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Энг улуг, энг азиз!" танлови ҳам ана шу мақсад ва вазифаларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Муроджон РАҲМАТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Танловнинг ғолиби ва совриндорлари рўйхати билан 2-саҳифада танишинг.

Ҳунармандчилик



Юртимизда сўнгги йилларда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Бунинг натижасида ҳунармандлар сони сезиларли ортмоқда.

"Дархон" лик уста

Юқори Чирчиқ туманининг "Дархон" маҳалласида ҳам ҳунармандлар кўп. Жумладан, Айман Амриев уч йилдан буён дурдгорлик билан шуғулланади.

— Отам дурдгор бўлганлар, — дейди ҳунарманд. — Уларнинг ёнларида юриб иш ўрганганман. Дастлаб дераза ромлари ясардик. Жорий йилдан ёғочдан мебель ҳамда турли рўзгор буюмлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Хитойдан замонавий техника олиб келдик. Хабарингиз бор, ҳозир ёғочдан ясалган турли шакл ва ўлчамдаги идишларга талаб юқори. Биз тайёрлаётган ёғоч идишлар овқатланиш шахобчаларига сотилади. Улар-

ни ёғоч дарахидан ясаймиз. Менга оила аъзоларим ёрдам беришмоқда. Келгусида тажрибамни ошириб, устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйишни, маҳсулотимизни Ўзбекистон бозорларига чиқаришни, иш ўринларини очишни режалаштирганман.

Айман ака аввал хом гишт қуйиб, пул топаркан. Аммо отасининг хунарини давом эттириб, кам бўлмапти. Ҳунарманд ясаган буюм ва мебелларнинг харидори кўп. Унинг айтишича, айни пайтда 20 та мебелга буюртма тушган.

Сухробжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ оғлан сурат

